

ЭР-ХОТИННИНГ ВА СОБИҚ ЭР-ХОТИННИНГ МОЛ-МУЛКИ (ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ)

Қахрамонова Камола Набижон қизи,
Тошкент давлат юридик университети
qahramonovakamola@gmail.com

ИМУЩЕСТВО СУПРУГОВ И БЫВШИХ СУПРУГОВ (ПРАВОВОЕ РУГУЛИРОВАНИЕ)

Қахрамонова Камола Набижон қизи,
Ташкентский государственный юридический университет
qahramonovakamola@gmail.com

PROPERTY OF SPOUSES AND FORMER SPOUSES (LEGAL REGULATION)

Qahramonova Kamola Nabijo qizi,
Tashkent state university of law
qahramonovakamola@gmail.com

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақола эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотиннинг мол-мулкини ҳуқуқий тартиботининг моҳиятини очишга бағишланган. Изланишлар эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқлари комплекс ҳуқуқий категория эканлигини ёритишга, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва бизнес ҳуқуқи, корпоротив ҳуқуқларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатишга қаратилган. Мақолада эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг мулкӣ ҳуқуқларини тартибга солиш учун назария ва амалиётни ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: эр-хотиннинг мол-мулки, эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулк, эр-хотиннинг мол-мулки ҳуқуқий табиати, эр-хотиннинг мол-мулкининг шартномавий ҳуқуқий табиати, никоҳ шартномаси, эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, оилавий муносабатларнинг тугатилиши, инсофлилик принципи

АННОТАЦИЯ:

Данная статья посвящена раскрытию сущности правопорядка имущества супругов и бывших супругов. Целью исследования является пролить свет на то, что имущественные права супругов представляют собой сложную юридическую категорию, а также показать взаимообусловленность гражданского права, семейного права и хозяйственного права, корпоративных прав. В статье выдвигаются предложения по развитию теории и практики регулирования имущественных прав супругов и бывших супругов.

Ключевые слова: имущество супругов, общая собственность супругов, законный режим имущества супругов, договорный режим имущества супругов, брачный договор, раздел общего имущества, прекращение семейных отношений, добросовестность

ANNOTATION:

This article is devoted to the disclosure of the essence of the legal order of the property of spouses and former spouses. The study is aimed at shedding light on the fact that the property rights of spouses are a complex legal category, as well as revealing the interdependence of civil law, family law and business law, corporate rights. The article puts forward proposals for the development of the theory and practice of regulating the property rights of spouses and former spouses.

Keywords: spouses' property, joint marital property, legal regime of spouses' property, contractual regime of spouses' property, marriage contract, division of marital property, termination of family relations, good faith

Асосий қонунимизда мустақамланган оила институтини ривожлантириш бугунги кундаги жамиятимиз олдидаги турган асосий вазифаларимздан биридир. Хусусан, Конституциямизда акс этган оила жамиятнинг асосий бўғинилиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ушбу институтнинг доимо давлат сиёсати даражасида эканлигини англатади.

Оилавий муносабатлар бир қанча ижтимоий муносабатлар бир қанча ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, никоҳ, эр-хотинларнинг мулкий муносабатлари, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа муносабатлани киритиш мумкин. Кейинги йилларда шуни кўриш мумкинки, никоҳ ва мол-мулкка бўлган муносабатлар эр-хотинларнинг низолашувчи объектга айланиб қолмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2019 йил 9 ойидаги фаолиятига оид статистик маълумотларга кўра, ҳал қилув қарори қабул қилинган даъво тартибидаги 98080 та фуқаролик ишларидан 27701 таси ёки 28,2 фоизи никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларга тўғри келади. 2021 йил биринчи чорагида судлар томонидан ҳал қилув қарори чиқариб кўрилган никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар ўткан йилнинг шу даврига нисбатан 1,498 тадан 1,840 тага, яъни 342 тага кўпайган [1]. Кўриш мумкинки йилдан-йилга оилавий низолар сони судларда кўриладиган фуқаролик ишларининг салмоқли қисмини ташкил қилиб келмоқда. Ушбу муносабатларда нафақат никоҳдан ажратиш, балки эр-хотиннинг умумий мол-мулкларини бўлишга оид низолар ҳам кўп учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартдаги ПҚ-146-сонли “Оила ва хотин-қизлар давлати қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам оилавий муносабатлар доим эътиборда эканлигини англатади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг 13-мақсади ҳам мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклашга бағишланган. Бу эса мулк ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқий категория сифатида ҳимояланишининг зарурлигини кўрсатади [3].

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси Ўзбекистон Республикасида оилавий муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ҳисобланиб, ушбу кодекснинг нормалари асосан оилани мустақамлашга, оилавий муносабатларни ўзаро ҳурмат ва муҳаббат, оилавий ишларга бошқа шахсларнинг аралашмаслиги, оила аъзоларининг ўз

хуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ва керак бўлса, ушбу хуқуқларни суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Эр ва хотин ўзаро оила қуришганидан кейин, уларнинг нафақат никоҳ муносабатлари балки, эр-хотинларнинг мол-мулкка бўлган хуқуқларини ҳам пайдо қилади.

Ф.Энгелс “Оиланинг келиб чиқиши, хусусий мулк ва давлат” асарида оила ва мулкнинг бир-бирига узвий боғлиқлигини кўрсатади. Шунингдек, У: “Оила фақат ўзаро муҳаббатга эмас, балки унинг биринчи шаклланиши иқтисодий муносабатларга бориб тақалади. Бу эса хусусий мол-мулкнинг умумий мулк устидан ғалабасини кўрсатади” [4].

Ҳозирда хусусий мулк хуқуқини ривожлантириш заруриятида эр-хотиннинг мулкий хуқуқларини хуқуқий тартибга солиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Эр-хотинлар ўртасидаги мулкий хуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси билан тартибга солинган. Эр-хотинларнинг мулкий хуқуқий муносабатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: эр-хотиннинг мол-мулки бўйича хуқуқий муносабатлар ва эр-хотинларнинг ўзаро моддий таъминоти (алимент мажбуриятлари) бўйича хуқуқий муносабатлари [5. Б. 43].

Шунингдек, адабиётларда эр-хотиннинг мол-мулкий муносабатлари икки хил режимда бўлиши кўрсатилган. Булар эр-хотин умумий мол-мулкнинг *қонуний* режими ва *шартномавий* режими [6. Б. 91].

Эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий режимида эр-хотинларнинг мол-мулкнинг хуқуқий табиатини белгилаш ва ўзгартириш тарафларнинг хохиши билан тузилган никоҳ шартномаси асосида белгиланади. Бу эса келгусида келиб чиқадиган эр-хотинлар шартномасидаги мулкий низоларнинг олдини олади.

Бугунки кунда эр-хотинларнинг никоҳ шартномасини тузмаслиги уларнинг мол-мулкнинг хуқуқий ҳолатини қонунда белгиланган тартиби асосида белгилашга олиб келади. Бугунки кунда суд амалиётида эр-хотинларнинг умумий мол-мулкни бўлишга оид жуда кўплаб низолар кўрилади. Бу эса тарафларнинг қонунчиликда белгиланган хуқуқий тартибидан норозилигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятдан, тадбиркорлик фаолиятдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади [7].

Қонунчилигимизга асосан, эр-хотинлар никоҳ даврида қўлга киритган мол-мулкларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилишда тенг ҳуқуқларга эгаллиги кўрсатилган. Суд амалиётидаги аксар эр-хотинларнинг мулкий низоларида эр ёки хотиндан бири мол-мулкин бўлишда ушбу режимдан норозилигини кўрсатадилар. Уларнинг асосий қаршиликлари фақатгина қонуний никоҳда бўлиш факти уларнинг мулкий ҳуқуқларини бузади. Яъни турмуш давомида мол-мулкни қўлга киритишда тарафлардан бирининг иштироки бўлмасада, мол-мулкнинг тенг тақсимланишига олиб келади. Чунки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги эр-хотинлар мулкий ҳуқуқларининг тенглигига асосланади.

Хорижий тажрибани ўрганишда шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, эр-хотинлар мулкий низоларга бормасликлари учун никоҳ шартномасини тузадилар. Бу шартномаган эса, ҳар иккала тараф ҳам ўз мулкий манфаатларини шартномада акс эттирадилар. Бу эса мол-мулкнинг шартномавий режими низоларни олдини олишда кафолат вазифасини ўтайди. Амалдаги қонунчилигимизда ҳам эр-хотинларнинг никоҳ шартномаси тузиш ҳуқуқи кафолатланган. Лекин амалиётда никоҳ шартномаси тузилиш ҳолатлари деярли учрамайди.

Умумий мол-мулкни тасарруф қилишнинг яна бир муаммоларидан бири тарафларнинг инсофлилик принципини бузишларида намоён бўлади. Оила кодексида турмуш даврида орттирилган умумий мулкка оид битимларни тузишда иккинчи тараф бўлган эр ёки хотиннинг розилигин олиш кераклиги кўрсатилган. Амалдаги қонунчилигимизда розиликнинг шакли, яъни унинг оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши белгиланмаган. Ёзма розиликнинг фақат кўчмас мулкка оид битимларни тузишда шартлиги кўрсатилган. Ушбу ҳолатлар ҳам амалиётда кўплаб чалқашликларга сабаб бўлади.

Шу сабабли бугунги кунда қонунчилигимиз асосида эр-хотинларнинг мулкий ҳуқуқлари, шу жумладан уларнинг мол-мулкларини ҳуқуқий тартибга солиш оила қонунчилигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади ва ушбу муаммоларнинг ўрганилиши оила институтининг янада мустаҳкамланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

Норматив ҳужжатлар:

1. <https://stat.sud.uz/fib.html>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартдаги ПҚ-146-сонли “Оила ва хотин-қизлар давлати қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. lex.uz/ru/docs/5884084;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. lex.uz/ru/docs/5841063;
4. Энгельс Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства. В связи с исследованиями Льюиса Г. Моргана. — М. : Издательство политической литературы, 1975;
5. Джураева И.Б. Личные и имущественные права супругов по национальному законодательству и по международному частному праву. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 173 бет.
6. Караходжаева Д.М. Права собственности: учебник/ Д.М.Караходжаева.-2010.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон.*